

СИФАТ ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ СЕМИОТИК, КОМПЛИМЕНТ КОНЦЕПТИ

(немис ва ўзбек тиллари маданиятлараро мулоқот мисолида)

Ҳ.А. Байманов

Тошкент амалий фанлар университети
“Тиллар” кафедраси доценти, ф.ф.док. (PhD).

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада тилишуносликнинг лингвомаданиятишунослик соҳаси даврининг долзарб илмий-назарий масалалари, тадқиқий вазифалари комплимент (мулозамат) концептидаги сифатлар немис ва ўзбеклар нутқий маданияти мисолида қиёсий (чоғиштирма) таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: лингвомаданиятишунослик, семиотика, комплимент-концепт, когнитив, лексик-семантик, сўз бирликлари, фразеология, фразеологик хусусиятлар, компаративистика, дискурс.

АННОТАЦИЯ

В данной статье область языкознания изучает актуальные научно-теоретические вопросы того времени, задачами исследования является сопоставительное (сопоставительное) продвижение прилагательных в понятии комплимента (вежливости) на примере немецкой и узбекской речевой культуры.

Ключевые слова: лингвокультурология, семиотика, комплимент-концепт, когнитивные, лексико-семантические, словесные единицы, фразеология, фразеологические признаки, компаративистика, дискурс.

ABSTRACT

In this article, the topical scientific-theoretical issues of the field of linguistics and cultural studies of the time, the research tasks of adjectives in the concept of compliment (compliment) are analyzed comparatively (cross-sectionally) on the example of German and Uzbek speech culture.

Key words: linguistics, semiotics, compliment-concept, cognitive, lexical-semantic, word units, phraseology, phraseological features, comparativistics, discourse.

Дунё тилшунослигида лисоний ходисаларнинг нутқий мулоқот шароитида бевосита ва билвосита танлаб олинишини таъминловчи асосий омилларни қиёсий-чоғиштира ёндашув асосида тизимли равишда тадқиқ қилиш амалиёти кенг ўрин эгалламоқда. Қиёсий-чоғиштира тилшуносликнинг асосий ўрганиш объекти бўлган мазкур тадқиқотда немис ва ўзбек тилларидаги инсон характериға хос сифат лексемаларнинг тавсифланиши, ясалиши, инвентари, лексик-семантик таснифлари, бошқа сўзлар билан боғланишда семантиксинтактик потенциали (валентлиги), номинатив сўз бирикмалари таркибидаги функциялари, мулоқот жараёнидаги прагматик хусусиятлари, маданиятлараро мулоқот (коплимент концепти)да ва дискурсда қўлланилиш хусусиятларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш зарурати кучаймоқда.

Тилшуносликнинг лингвомаданиятшунослик соҳаси даврнинг долзарб илмий-назарий масалалари, муаммолари, тадқиқий вазифалари билан характерланади. Хусусан, адабий ижодлар, етук бадиият намуналарини лингвопоэтик хусусиятлар нуқтаи назаридан кузатиб, ўрганиб бориш, бу йўналишдаги таҳлил, талқин, баҳолашни изчил йўлга қўйиш бугунги ўзбек тилшунослигининг муҳим вазифаларидан биридир.

Бу соҳада айниқса ўзбек насри намуналари тадқиқининг фаоллашгани кейинги йилларда яратилган тилшунослик натижаларидан маълум. Мустақиллик йилларидаги адабиётимиз, унинг барча турлардаги намуналари, айти чокда, адабиётшунослик ва адабий танқид илмлари ўз нуқтаи назари, дунёға қараши, мазмун-моҳияти, метод, услуб ва усулларига кўра янгичадир. Бу жараёнда янгиланиш тамойили қизғин кечмоқда.

Комплимент концепти тилшунослик, когнитив грамматика, мамлакатшунослик ёки лингвомаданиятшуносликнинг тадқиқ этиш объекти ҳисобланади.

Лингвистик энциклопедияда комплиментга қўйидагича таъриф берилган: “Комплимент (фр. *compliment*), бирор бир шахснинг мақтовга сазовор бўлган ижобий ҳислатлари бошқа бир шахс томонидан ифодаланиши, яъни мулозамат билдирилиши демакдир. Комплимент хушомадгўйлик, хушмуомалаликнинг ижобий маънодаги ифода шакли ҳисобланади” [Википедия, энциклопедия. *Таржима муаллифидан – Ҳ.Б.*].

Комплимент концепти ёки бошқача қилиб айтганда, мулозамат, хушомадгўйлик, хушмулоқот – немисларда турғун ибора шаклида намоён бўлиши ҳам мумкин ва уларда сифат сўз туркумига оид сўзлар фаол ишлатилади [1; 28 б.]. Оғзаки мулоқотда, масалан ўзбеклар билан ўзбеклар,

немислар билан немислар ўзаро бир-бирларига мулозамат, хушомад қилсалар, турли хил тил воситалари ва шаклларидан фойдаланадилар.

Комплиментлар мулоқот қилувчилар томонидан қисқача, жуда ҳам сермулозамат усулда, ўзлаштирма гап сифатида, тўғридан-тўғри ва шунчаки юзаки ёки креатив (қизиқарли, бўёқдор, сермазмун ва серқирра) шаклда ифода қилинади.

Немислар ва ўзбеклар ўртасида мулоқот жараёнида, улар бир-бирига мулозамат(комплимент) изҳор этганларида, сифат сўз туркумига оид сўзлардан қай даражада фойдаланишини кузатиш ва эмпирик билимлар ҳосил қилиш мақсадида мазкур мақола муаллифлари томонидан 2004 йилдан 2009 йилга қадар бўлган даврда, Германия Федератив Республикасида ва немис талабалари ҳамда ҳамкасабаларимиз Ўзбекистонга келганларида, махсус экспериментлар амалга оширилди. Эксперимент иштирокчиларига турли хил комплиментлардан мисол келтириш учун ёзма анкета-саволномалар тарқатилди (Масалан: суҳбатдошингизнинг кўйлагига, хашаматли уйига, мазали таомга, ўзини тута билишига, ёқтирган футбол командасига, бажарган ишига нисбатан комплимент билдиринг).

Мулозамат ифодасини тадқиқ этиш жараёнида маълум бўлдики, немислар деярли барча ҳолларда илгари мавжуд бўлган, қолипланган комплимент шакллари, ўзбеклар эса мулозаматнинг барча турларини, жумладан кўпқиррали, ноёб шакллари ижод қилган ҳолда қўллайдилар. Немислар онгида турли хил мулозамат шакллари қолиплангандек, уларни доим фақат ўша тайёр комплекс тил бирлиги сифатида ишлатиш зарурдек [3; 49 б.]. Ўзбеклар эса мулозаматни сертакаллуфлик билан, турли хил муболаға, ўхшатиш, янги ва ўзлаштирма сўзларни ишлатган ҳолда амалга оширишга ўрганганлар.

Агар оддий сифат ўз маъносини ўзгартирса, у ҳолда унинг янги валентлик хоссаси юзага чиқади. Ушбу янги валентлик алоҳида қурилмани воқелантиради: *klarer Himmel*-очик ҳаво. *Er ist großartig*.-Унинг кўнгли очик. Баъзан янги валентлик сифатнинг бирламчи маъносини ўзгартириб юборади ва янги когнитив шаклни ҳосил қилади: *Reicher Mann*.-Бой одам. *Die Frucht ist reich an das Vitamin*.-Витаминларга бой мева; *лекин: Die reiche Frucht* - Бой мева эмас.

Кузатувлар натижасида немис тилидаги суффиксли, префиксли ва префикс-суффиксли сифатлар моделларининг қуйидаги лексик семантик гуруҳ (ЛСГ)ларга бўлиниши маълум бўлди: инсонларнинг тана қисмини сифатлаш: *bärtiger Mensch, haarige Beine, beleibte Männer*, ва х.к.; инсоннинг ички ҳиссёти, кечинмалари, ҳолатини ифодаловчи сифатлар: *gut gelaunter Mann, talentierter*

Künstler, gesittete Menschenheit ва ҳ.к.; пайтни ифодаловчи лексемалар: *bejahrte Frau, betagter Rentner, jähriges Kind* ва ҳ.к.; инсоннинг салбий хусусиятларини ифодаловчи сифатлар: *egoistischer Mensch* ва ҳ.к.; касаллик номлари ва у билан боғлиқ ҳолатлар: *verkrebster Körper, tuberkloser Mann* ва ҳ.к. Ўзбек тилидаги сифат ясовчи ўзак-негизларнинг лексик-семантик гуруҳларини аниқлаш ва таснифлаш немис тилидагига қараганда анча мураккаб масалалардан бири ҳисобланади, чунки ўзбек тилидаги аффикс ёки префикслар ёрдамида ясалган десубстантив сифатлар хилма-хил семантикага эга, бу ҳолат эса уларни муайян лексик-семантик гуруҳларга тақсимлашда мушкуллик туғдиради.

Айтиш жоизки, ўзбек тилидаги инсон характериға хос десубстантив сифат лексемалар немис тилидагидек муайян отлардан ясалади ва муштарак лексик-семантик гуруҳлар ҳосил қилади. Ўзбек тилидаги инсон характериға хос десубстантив сифат лексемаларнинг ясалишида инсоннинг ички хусусияти, ҳолати ва кечинмаларини ифодалайдиган от лексемалар фаол иштирок этади¹⁸, яъни сифат лексемалар от лексемалар билан валентликни воқелантиради: виждонли одам, иқтидорли рассом, таъсирчан аёл ва ҳақозо. Таҳлил қилинган тил материаллари асосида ўзбек тилидаги аффиксли ва олд қўшимча сифатларнинг моделлари қуйидаги ЛСГларга ажратилди:

- инсонларнинг тана қисмини сифатлаш: *соқолли киши, жунли оёқлар, барваста киши, яраланган юз, гўштли башара* ва ҳ.к.;

- инсоннинг ички ҳиссёти, кечинмалари, ҳолатини ифодаловчи сифатлар: хушчақчақ инсон, иқтидорли санъаткор, кўрқмас йигит ва ҳ.к.;

- инсоннинг салбий хусусиятларини ифодаловчи сифатлар: эгоист, худбин ҳайдовчи ва ҳ.к.; касаллик номлари ва шу билан боғлиқ ҳолатлар: жароҳатланган тана, сил касал, кўк йўтал ва шу кабилар.

Демак, немис ва ўзбек тилларида сифатлар ясалиши, гапдаги вазифаларига кўра ўзига хос хусусиятга эга. Жумладан, немис тилида сифатлар олд (префикс)лар ёрдамида ҳам ясалади. Биз бундай ҳодисани ўзбек тилидаги сифат лексемаларга ҳам хос деб биламиз.

Юқорида таъкидланганидек, немис тилида комплимент таркибида сифат сўз туркуми алоҳида ўрин тутаяди. Тадқиқотлар давомида маълум бўлдики, ўзбек тилида ҳам сифатлар мулозамат компонентининг асосий иштирокчиларидан бири экан, масалан: *Таомингиз жуда ҳам ширин (аканг айлансиндек) бўлибди. Бугун кўринишингиз жуда яхши (тўлин ойдек, чарақлаб чиққан қуёшдек). Сизни кўрдим-у, ҳаёлим турфа ранг капалакдек учиб кетди. Кўйлагингиз ранги чиройли экан (кўзни ўйнатади) в.х.*

Немис тили комплиментларида асосан қуйидаги сифатлар қўлланилиши кузатилди: *gut, schön, toll, wunderschön, spitze, klasse, prima, schick*. Ушбу сифатлар аниқловчи, ҳол (маслан, *Er schwimmt gut*) вазифаларини бажара олади ва ундан ташқари, оддий, қиёсий ҳамда ортирма даражадаги шаклларда қўлланилади [2; 29 б.]. Таъкидлаш жоизки, комплимент таркибида сифатлардан ташқари, хушомад даражасини ошириш мақсадида *sehr, äußerst, richtig, ganz, absolut, wirklich* каби равишлар ҳам қўлланилади, масалан: *Du hast heute ein schönes Kleid an; Toll hast du gespielt; Du hast aber einen **wirklich** tollen Anzug!; Das Essen schmeckt wunderbar/gut; Deine Arbeit ist **absolut** spitze*.

Ёшлар орасида ўзига хос жаргонизм-комплиментлар мавжуд, масалан *geil* сифати. Ушбу мулозамат *gut, schön, toll, wunderschön, spitze, klasse, prima, schick* сўзларига синоним сифатида ишлатилади. Ўзбек ёшлари нутқида ҳам бу каби комплиментлар мавжуд, яъни *ажойиб, зўр, қойилмақом, супер* в.х.

Немис тилидаги комплимент таркибида кўпроқ ишлатиладиган феъл гуруҳи аниқланди: *gefallen, schmecken, beneiden, umhauen, beeindruckt sein, finden, gelingen, umhauen*. Мазкур феъллар билан сифатлар ҳам қўлланилиб, улар биргаликда мақтов, ижобий фикр билдириш каби маъно кучайтирувчилари вазифасини бажарадилар, масалан: *Deine Frisur gefällt mir; Deine Frisur haut mich um; Ich finde deinen Rock phantastisch; Ich beneide dich um dein Aussehen; Deine Arbeit findet meine vollste Zustimmung; Die Arbeit ist dir **wirklich** gelungen. Prima; Das Essen hat **wahnsinnig** gut geschmeckt; Ich bin beeindruckt von der Architektur deines Hauses*.

Кузатув ва эксперимент натижалари асосида таъкидлаш жоизки, немислар нутқ маданиятида инсонларга, уларнинг кийиниши, ахлоқи, мулки ва бошқа хусусиятларига нисбатан мақтов сўзларни қўллашда расмийликка риоя қилиш одат бўлиб қолган. Улар расмий, умум-қабул қилинган комплиментлардан фойдаланишни маъқул кўришади. Ўзбекларда эса мақтов учун турли тил воситалари ишлатилади. Мақтов қанчалик баландпарвоз, қойилмақом ва чиройли бўлса, ўзбеклар учун бу табиий ҳол. Лекин немислар ортиқча мақтовни ёки меъёридан кам бўлган комплиментни ҳам камситиш ўрнида қабул қилишлари мумкин. Чунки мазкур жамиятда этика ва протокол меъёрлари (шу жумладан, комплимент ҳам) регламентлаштирилган (“қолипланган”). М.Вебер таъбири билан айтилганда, этика – расм-русм, тартиб-интизом, нутқ маданияти, меҳнат интизоми (мақсадга муофиқлик, рационализм)ни белгилайди [4; 107 б.]. Дарҳақиқат, комплиментнинг шаклланиш даражаси ҳар бир жамиятдаги индивидуумларнинг маданияти,

лисоний, миллий (этник) ўзига хослиги, менталитети, расм-русмлари ва бошқа бир қанча омиллар билан белгиланади.

Демак, немис ва ўзбеклардаги комплимент концептининг лисоний таркибида сифат сўз туркумига оид сўзларнинг қўлланилиши – улар(сифатлар)нинг оддий, қиёсий ва орттирма даражаси мавжуд эканлигидадир. Ҳатто оддий мулозамат шаклида ҳам сифатнинг оддий даражаси қўлланилади. Когнитив (маъновий) грамматика нуқтаи-назаридан тушунтирилганда, ахборот берувчи ўзининг фикрини ахборот олувчига грамматик жиҳатдан тўғри, маъновий-мантиқий жиҳатларидан эса аниқ ва батафсил етказиб бериш учун содда тил воситаларидан ташқари энг мураккаб шакл ва концептлардан ҳам фойдаланади.

REFERENCES

1. Вебер М. Избранные произведения. -М., 2009.
2. Adamzik, Kirsten (2004): Sprachliches Handeln und sozialer Kontakt. Zur Integration der Kategorie “Beziehungsaspekt” in eine sprechakttheoretische Beschreibung des Deutschen. Tübingen.
3. Marten-Cleef, Susanne (2021): Gefühle ausdrücken. Die expressiven Sprechakte. Göttingen.
4. Stein, Stephan (2005): Formelhafte Sprache. Untersuchungen zu ihren pragmatischen und kognitiven Funktionen im gegenwärtigen Deutsch. Frankfurt am Main. // Stein, Stephan (2004): “Formelhaftigkeit und Routine in mündlicher Kommunikation”. In: Steyer, K. (ed.): Wortverbindungen - mehr oder weniger fest. Berlin: 262-288.
5. <http://de.wikipedia.org/wiki/Kompliment> - 15.08.2009.